

# Ғафур Ғулом

ШЕЪРЛАР

ШОИР КУТУБХОНАСИ

# Ғафур Ғулом

*Шеърлар*



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2016

**84(5Ў)6-5**
**Ғ 79**
**Ғулом, Ғафур.**
Шеърлар. [Матн] / Ғ. Ғулом.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016. – 48 б.– (Шоир кутубхонаси).

**КБК 84(5Ў)6-5**
**УЎК 821,512.133**-1

Ғоя муаллифи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи
***Мирпўлат МИРЗО***

ISBN 978-9943-06-600-7

©Ғафур Ғулом. Шеърлар.
©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016 й.

*Ғафур ҒУЛОМ 1903 йил 10 июнда Тошкентда туғилган.*

*Унинг «Гўзаллик нимада» номли илк шеъри 1923 йилда эълон қилинган.*

*Ғ. Ғулом ўтган асрнинг 20-30-йилларида ижодга катта шижоат билан киришиб, истеъдодининг турли қирраларини намоён қилди ва улкан адиб бўлиб шаклланди.*

*Унинг насрда яратган «Нетай», «Ёдгор», «Шум бола» қиссалари ўзбек адабиётининг ўлмас мулкига айланган. Айниқса, автобиографик характерга эга «Шум бола» қиссаси бу борада алоҳида қимматлидир. Миллий бўёқлар билан музайян бўлган бу асар айни пайтда умуминсоний ғоя ва қарашлар билан йўғрилган.*

*Ғ.Ғулом Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Сен етим эмассан», «Кузатиш» каби фалсафий шеърлари билан ўзбек шеъриятини умумбашарий даражага кўтарди.*

*Шоир ижодий меросида бадиий таржима катта ўрин тутади. У В.Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» трагедияларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирган.*

*Ғафур Ғулом 1966 йил 10 июлда вафот этган.*

## ЎЗБЕКНИНГ ТОМИНИ

Ўзбекнинг томини томоша қилинг,
Байрам байроғидай ясатган бошин –
Ҳеч қандай уста ҳам тўқий олмайди
Оламнинг мунчалик атлас-қумошин.

Кеча тераклар ҳам ташлаб кучалак,
Туялар туллади, қўзилар маъраб.
Яхши ҳам жаҳонга шоир келибман,
Бу баҳор файзидан қолмадим гангграб.

Довучча, кўксултон – шўх ўғилларнинг
Ҳар баҳор чоғида эрур эрмаги.
Улар-ку шохларда ўйнаб юради,
Менинг манзилимдир дарахтнинг таги.

“Қамич қафасларга мазза кўксултон
Булбулдай илинса, қизғалдоқ томда...
Ҳаммаси яхши-ю, аммо бувимнинг
Ёқмайди ювгани мени ҳам жомда”.

Майнами, читтакми, янги кўчатми.
Омон бўл, келажак, менинг ёшлигим,
Бир марта ёшликни яшаб ўтганман,
Тилхат бераманки, бор қардошлигим.

Ёшликнинг ҳурмати ҳали кўнгилдан
Ойина зангидек кўчиб кетган йўқ,
Гарчанд ота-бобо айтгани каби,
Ёшлик қайтиб келмас, бир отилган ўқ.

Йўлбарс терисини силаб кўрмаклик
Тирик йўлбарс учун бўлмас муносиб,
Кошкийди яна ўз вужудим узра
Ёшликни табиат қилолсин насиб.

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/3850 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/3850 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/3850